



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 10 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 10

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№10 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-10>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Mashrapov Madorbek Zoxidbek o‘g‘li O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA AVTOMOBIL YO‘LLARI SOHASIDA DAVLAT BOSHQARUVINI MA‘MURIY-HUQUQIY TARTIBGA SOLISH.....	5
2. Хошимова Юлдузхон Олимжонова СТОИМОСТЬ ТОВАРНОГО ЗНАКА В СИСТЕМЕ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ: ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА.....	15
3. Овулов Пўлатжон Илхом ўғли ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ, ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ – ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА.....	23
4. Шукурова Малика Шахобидинова ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	33
5. Umarov Abbosjon Asliddin o‘g‘li SUG‘URTA BOZORINI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA SUG‘URTA FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY MECHANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....	45
6. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	59
7. Maxmudov Alisher Abdusalimovich YEVIROPA PROKURATURASI – ERKINLIK XAVFSIZLIK VA ODIL SUDLOV KAFOLATI..	66
8. Сафаев Мансурбек Илхомжонович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ.....	73
9. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich FIRIBGARLIK JINOYATIDA SUN‘IY INTELLEKT JINOYAT SODIR ETISH VOSITASI SIFATIDA: QONUNCHILIK, AMALIYOT VA MUAMMOLAR.....	82
10. Баракаев Лазизжон Отакулович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	93
11. Имомназаров Алишер Хасанович ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎРНИ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO НИСБАТИ ТАҲЛИЛИ.....	103
12. Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МОДДИЙ(ФАКТИК) АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ.....	113



Имомназаров Алишер Хасанович,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси мустақил изланувчиси
E-mail: cleverboy19901990@gmail.com

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎРНИ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO НИСБАТИ ТАҲЛИЛИ

For citation: Imomnazarov Alisher Khasanovich. ANALYSIS OF THE PLACE OF EXAMINATION IN THE SYSTEM OF INVESTIGATIVE ACTIONS AND ITS CORRELATION WITH OTHER INVESTIGATIVE ACTIONS. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 10.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17353189>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят ишларини юриштида далилларни тўплаш усули сифатида тергов ҳаракатлари тизимида кўздан кечиришнинг тутган ўрни ва бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро нисбати чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф тергов ҳаракатлари тушунчасига миллий ва хорижлик олимлар томонидан берилган турли таърифларни қиёсий ўрганиб, янги муаллифлик таърифини таклиф этган. Мақолада кўздан кечиришнинг кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, гувоҳлантириш, тинтув, тергов эксперименти ва суд экспертизаси каби бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари атрофлича ўрганилган. Тадқиқот натижасида кўздан кечиришнинг мустақил тергов ҳаракати эканлиги, унинг мақсади, ўтказиш тартиби эркинлиги, терговга қадар текширув босқичида ҳам амалга оширилиши мумкинлиги каби ўзига хос хусусиятлари асосланган. Муаллиф томонидан кўздан кечиришнинг бошқа тергов ҳаракатларидан фарқини яхшироқ англашнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида хатоларнинг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланган. Мақолада илгари сурилган ҳулосалар жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ва тергов амалиётини ривожлантириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Калит сўзлар: кўздан кечириш, тергов ҳаракатлари тизими, далилларни тўплаш, жиноят процесси, тергов ҳаракатлари, ўзаро нисбат.

Имомназаров Алишер Хасанович,
Самостоятельный соискатель правоохранительной
Академии Республики Узбекистан
E-mail: cleverboy19901990@gmail.com

АНАЛИЗ МЕСТА ОСМОТРА В СИСТЕМЕ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ И ЕГО СООТНОШЕНИЯ С ДРУГИМИ СЛЕДСТВЕННЫМИ ДЕЙСТВИЯМИ

АННОТАЦИЯ

В статье глубоко анализируется место осмотра в системе следственных действий как способа собирания доказательств при производстве по уголовным делам и его соотношение с другими

следственными действиями. Автор проводит сравнительное исследование различных определений понятия следственных действий, данных национальными и зарубежными учеными, и предлагает новое авторское определение. В статье подробно изучаются сходные и отличительные черты осмотра с другими следственными действиями, такими как проверка показаний на месте происшествия, освидетельствование, обыск, следственный эксперимент и судебная экспертиза. По результатам исследования обоснованы специфические особенности осмотра как самостоятельного следственного действия, включая его цель, свободу порядка проведения, возможность осуществления на стадии доследственной проверки. Автором подчеркивается, что лучшее понимание отличий осмотра от других следственных действий служит предотвращению ошибок в правоприменительной практике. Выводы, представленные в статье, могут служить теоретической основой для совершенствования уголовно-процессуального законодательства и развития следственной практики.

Ключевые слова: осмотр, система следственных действий, собирание доказательств, уголовный процесс, следственные действия, соотношение.

Imomnazarov Alisher Khasanovich,
Independent researcher at the Law Enforcement
Academy of the Republic of Uzbekistan
E-mail: cleverboy19901990@gmail.com

ANALYSIS OF THE PLACE OF EXAMINATION IN THE SYSTEM OF INVESTIGATIVE ACTIONS AND ITS CORRELATION WITH OTHER INVESTIGATIVE ACTIONS

ANNOTATION

The article analyzes the place of examination in the system of investigative actions and its correlation with other investigative actions. The author conducts a comparative study of definitions given by national and foreign scholars and proposes a new definition. The study examines similarities and differences between examination and other investigative actions such as verification of testimony at the scene, body examination, search, investigative experiment, and forensic examination. The research substantiates specific features of examination as an independent investigative action, including its purpose, procedural flexibility, and possibility of implementation at the pre-investigation stage. The author emphasizes that understanding these differences helps prevent errors in law enforcement practice. The conclusions can serve as a theoretical basis for improving criminal procedural legislation and investigative practice.

Keywords: examination, system of investigative actions, collection of evidence, criminal procedure, investigative actions, correlation.

Жинойт ишларини юритишда далилларни тўплаш усули сифатида барча тергов ҳаракатлари ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланиб, тергов ҳаракатларининг умумий тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлади. Шу билан биргаликда, муайян хусусиятлар мавжудки, улар бир нечта тергов ҳаракатлари учун умумий ҳисобланиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жинойт ишини юритувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг янглишишига ҳамда нотўғри қарорларни қабул қилиши ёки қонунга зид ҳаракатларни амалга оширишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, қуйида тергов ҳаракатлари тизими ва кўздан кечиришнинг мазкур тизимда тутган ўрни масалаларини муҳокама қиламиз.

Аввало, тергов ҳаракатлари тушунчасини талқин қилишга оид ёндашувларни кўриб чиқадиган бўлсак, миллий олимларимиздан Ғ.Шодиев томонидан билдирилган талқинга кўра, “тергов ҳаракати – жинойт-процессуал қонунида назарда тутилган процессуал ҳаракат бўлиб, жинойт иши бўйича исботлаш предмети ҳисобланадиган ҳолатларни аниқлаш воситаси сифатида хизмат қиладиган далилий маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган ҳаракатлардан иборат”. [1].

Ушбу талқин асосида мазкур олим Жиноят-процессуал кодексига юқорида берилган тушунчани ифода этган қуйидаги таҳрирдаги 87¹-моддани киритишни таклиф этган:

“87¹ модда. Тергов ҳаракатлари.

Тергов ҳаракати – бу ушбу Кодексида назарда тутилган тартибда, жиноят ишини қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган, исбот қилишга хизмат қиладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш мақсадида ўтказиладиган процессуал ҳаракат бўлиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суд томонидан амалга оширилади”.

[2].

Фикримизча, мазкур олим томонидан юқорида келтирилган таъриф ҳамда қонунчиликка таклиф сифатида келтирилган модда таҳрири кўриб чиқиладиган тушунчанинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди. Сабаби, ушбу талқинларга кўра тергов ҳаракати “далилий маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган ҳаракатлар” сифатида тавсияланган. Бироқ, нафақат тергов ҳаракатлари, балки жиноят иши юритишдаги бошқа деярли барча процессуал ҳаракатлар ҳам далилий маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган бўлади. Шунга кўра, юқоридагича таърифлар тергов ҳаракати тушунчасини эмас, балки процессуал ҳаракат тушунчасининг мазмунини очиб беришга йўналтирилган.

Ушбу тушунчага Ғ.Абдумажидов томонидан берилган таърифга кўра эса, тергов ҳаракатларини терговчи томонидан ўтказиладиган барча процессуал ҳаракатлар деб тушуниш мумкин. [3].

Бизнингча, мазкур ёндашув ҳам юқорида муҳокама қилинган Ғ.Шодиев томонидан илгари сурилган талқинга ўхшаб кетади ва ҳаттоки, ундан маъно жиҳатдан кенглиги билан фарқланади. Шу сабабли, мазкур таъриф ҳам тергов ҳаракати тушунчасини эмас, балки процессуал ҳаракат тушунчасининг мазмунини очиб беришга йўналтирилган, деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид чет эл олимларининг фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, С.Шейфернинг таъкидлашича, тергов ҳаракати институти – бу ўрганиб чиқиладиган ҳодисанинг изларида акс эттирилган исботлаш маълумотларини ҳар томонлама, тўла, холисона аниқлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган билиш, ҳуқуқни таъминлаш ва тасдиқлаш тадбирларини ўтказиш асослари, ижро этиш шартлари, мазмуни ва шакллари белгиловчи ҳуқуқий чоралар тизимидир. [4].

Фикримизча, мазкур қараш муҳокама қиладиган тушунчамизнинг мазмунини бошқа талқинларга қараганда тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилади ва шу жиҳатдан унга қўшилиш мумкин. Шу билан бирга, мазкур ёндашувдаги “ҳуқуқий чоралар” жумласи кўпроқ жазолаш ёки мажбурлаш мақсадларига хос бўлган тушунча бўлганлиги учун уни мазкур контекстда қўллаш ўринли бўлмайди.

А.Рыжаковнинг фикрича, тергов ҳаракати деганда ўтказиш тартиби қонун билан қатъий белгиланган ва давлат мажбурлов элементи билан таъминланган далилларни тўплаш ва текшириш усуллари тушуниш лозим бўлади. [5].

Шу каби, И.Биховскийнинг таърифича, тергов ҳаракатлари терговчининг ҳамда қонун билан ваколат берилган бошқа шахснинг дастлабки тергов босқичида ҳамда янги очилган ҳолатларни тергов қилишда далилларни аниқлаш, текшириш, қайд этиш ва олиб қўйишнинг жиноят-процессуал ҳуқуқ асосида ва унга мувофиқ равишда амалга оширадиган билиш фаолияти ҳисобланади. [6].

Бизнингча, юқорида келтирилган ёндашувларнинг деярли барчасида тергов ҳаракати тушунчаси далилларни тўплаш билан бир қаторда уларни текшириш ва (ёки) баҳолаш усули сифатида ҳам талқин қилинган. Бироқ, тергов ҳаракатларидан асосий мақсад далилларни тўплашга қаратилган бўлганлиги сабабли, мазкур тушунчани таърифлашда далилларни текшириш ва баҳолашни эътибор марказига олиб чиқишни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Зеро, қонун чиқарувчи ҳам тергов ҳаракатлари тушунчасини далилларни тўплаш усули тушунчаси билан тенглаштирилганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, тергов ҳаракатлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида келтирилган бўлиб мазкур модда “Далиллар тўплаш” деб номланган.

Мазкур моддага кўра, далиллар қуйидаги тергов ва суд ҳаракатларини юритиш орқали тўпланади:

- гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш;
- юзлаштириш;
- таниб олиш учун кўрсатиш;
- кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш;
- олиб қўйиш;
- тинтув;
- кўздан кечириш;
- гувоҳлантириш;
- мурдани эксгумация қилиш;
- эксперимент ўтказиш;
- экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш;
- экспертиза ва тафтиш тайинлаш;
- тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш;
- телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш;
- тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

Юқорида санаб ўтилганларнинг тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдан ташқари барчаси тергов ҳаракатлари ҳисобланади.

Шунга кўра қонун чиқарувчи тергов ҳаракатларини далилларни тўплаш йўли сифатида қабул қилишини кўриш мумкин ва бу фикримизча, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган таҳлиллар асосида тергов ҳаракатлари тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Тергов ҳаракатлари – бу ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан исбот қилишда фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш мақсадида тергов ва суд ҳаракатлари шаклида амалга ошириладиган далилларни тўплаш усуллариридир”.

Тергов ҳаракатларининг аҳамияти шундаки, улар жиноят ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган далилларни тўплашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур вазифани амалга ошириш ва сифатли натижалар олишда кўздан кечириш тергов ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби, ушбу тергов ҳаракати универсал тергов ҳаракати ҳисобланиб, жиноят ишини юритишнинг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун маълумот йиғиб бериш ва тергов тактикасини шакллантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Кўздан кечиришнинг бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро нисбатини таҳлил қилганда, энг аввало, маълумот олишнинг асосий усули кузатиш орқали амалга ошириладиган тергов ҳаракатларига тўхталиб ўтиш жоиз бўлади. Бундай тергов ҳаракатларига мисол сифатида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тинтув ва гувоҳлантириш кабиларни кўрсатишимиз мумкин.

Кўздан кечиришнинг кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш билан ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятларини таҳлил қиладиган бўлсак, аввало мазкур тергов ҳаракатига берилган таърифларни кўриб чиқиш лозим бўлади.

Р.Белкиннинг таъкидлашича, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш айбланувчи ёки гувоҳнинг жиноят ҳодисаси билан боғлиқ бўлган маълум бир жойни кўрсатиши, ушбу жойда содир этилган ҳаракатлар тўғрисида кўрсатув бериши, ушбу шахслар томонидан етказилган маълумотларни ҳодиса содир бўлган жойдаги объектив муҳит билан таққослаш ва баъзан намоёниш қилишдан иборат бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади. [7].

Мазкур фикрни кўллаб-қувватлаган ҳолда унга кўшимча сифатида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг асосий мазмуни ўрганилаётган ҳодисанинг асл ҳолатлари қандай бўлганлигини аниқлашдан иборат эканлигини билдирамыз.

Амалдаги қонунчиликка кўра кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текширилаётган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўриш орқали амалга оширилади.

Фикримизча, мазкур икки тергов ҳаракати айнан шу жиҳатидан, яъни иккала тергов ҳаракатининг ҳам ҳодиса содир бўлган жойда амалга оширилиши билан ўзаро ўхшаш ҳисобланади. Шу билан бирга, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан фарқли равишда кўздан кечириш ҳар доим ҳам ҳодиса содир бўлган жойда амалга оширилавермайди.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш;

- шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши;

- бир неча шахснинг айтиб берган ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши;

- ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

Кўздан кечириш эса, юқоридаги каби кенг мақсадлар доирасини қамраб олмасдан, иш учун муҳим бўлган маълумотларни олиш, нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топишга қаратилган бўлади.

Е.Егорова мазкур масалада ўз қарашларини баён қилиб, хусусан, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш мақсадининг қонунчиликда белгиланиши мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мазкур мақсад ҳам кўздан кечириш учун, ҳам кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш учун хос бўлгани сабабли, унинг қонунчиликда регламентация қилиниши мазкур икки тергов ҳаракатини тайинлашда улар ўртасидаги чегаранинг йўқолиб кетишига олиб келади. [8].

Бизнингча, юқоридаги фикр тўғри бўлса-да, шу билан бирга деярли барча тергов ҳаракатлари ушбу мақсадни, яъни далилларни топишни кўзлаганлигини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Мазкур икки тергов ҳаракати вазифалари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Хусусан, М.Меркулованинг баён этишича, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг асосий вазифалари қуйидагиларда акс этади:

- ҳодиса содир бўлган жойни ёки терговчи илгари билмаган бир неча ҳодиса содир бўлган жойларни аниқлаш ва содир бўлган ҳодиса тўғрисида гувоҳлик берган шахс ёки шахслар томонидан терговчига ушбу жойларни мустақил равишда топиши мумкин бўлган маълумотларини етказишда қийинчиликлар юзага келганда ҳақиқатни аниқлаш;

- сўроқ қилинган шахс ҳодиса содир бўлган жойга кирган ёки ундан чиқиб кетган, бироқ атрофдаги кўчалар, хиёбонлар ва уларда жойлашган объектларнинг аниқ номини билмаганлиги оқибатида ушбу йўлни тасвирлашга қийналган ҳамда терговчи томонидан илгари ўрганилмаган ва иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йўлларни белгилаш;

- сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмалари мавжуд бўлса-да, аниқланмаган ҳамда терговга номаълум бўлган жиноят излари ёки ашёвий далилларни қидириб топиш. Бунда, терговчи илгари бундай далилларнинг мавжудлиги тўғрисида бирон бир маълумотга эга бўлиши ёки уларнинг мавжудлигини тахмин қилиши мумкин;

- терговга илгари маълум бўлмаган ва сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмаларида кўрсатилмаган янги далилларни (излар ва ашёвий далилларни) топиш;
- илгари терговчига номаълум бўлган жабрланувчиларни аниқлаш;
- илгари терговчига номаълум бўлган гувоҳларни аниқлаш;
- бошқа гумон қилинувчиларни (айбланувчиларни) аниқлаш;
- гумон қилинувчининг (айбланувчининг) терговчи биладиган, аммо уларни содир этган шахслар аниқланмаган бошқа жиноятларга алоқадорлигини аниқлаш;
- жиноят содир этилишига сабаб бўлган сабаблар ва шарт-шароитларни белгилаш;
- сўроқ қилинган шахснинг ҳодиса содир бўлган жойда ёки бошқа ҳолатларда терговчига ушбу ҳолатлар аниқ бўлмаган ва бошқа усуллар билан уларни аниқлаш ёки аниқлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ айрим ҳолатларни аниқлаш ёки аниқлаштириш;
- ҳодиса содир бўлган пайтда ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш;
- сўроқ қилинган шахс ёки шахсларнинг ҳодиса содир бўлган жой, алоҳида объектлар ёки уларнинг кўрсатмаларида тасвирланган маршрутлар тўғрисида хабардорлигини ўрнатиш;
- сўроқ қилинган шахсларнинг ўзлари иштирок этган ёки гувоҳ бўлган ҳодиса ёки ҳаракатларнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисида хабардорлигини аниқлаш;
- тергов ёки қидирув версияларини текшириш. [9].

Фикримизча, юқорида келтириб ўтилганлар кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг вазифаларини ўзида тўлиқ ва батафсил акс эттирганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, мазкур рўйхат кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг ўз вазифалари жиҳатидан кўздан кечиришдан қанчалик даражада фарқ қилишини ҳам кўрсатиб беради. Сабаби, юқорида кўрсатиб ўтилганларнинг аксарияти кўздан кечириш тергов ҳаракатига тааллуқли ҳисобланмайди.

Е.Егорова томонидан ушбу масалада ҳақли таъкидлаб ўтилганидек, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш кўздан кечириш тергов ҳаракатидан ўзининг текшириш объектлари жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилади. Хусусан, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш фақатгина ҳодиса содир бўлган жойга нисбатан амалга оширилиши мумкин. Кўздан кечириш эса, ҳодиса содир бўлган жойдан ташқари мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф, бинолар, нарсалар ва ҳужжатларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. [10].

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, ҳақиқатдан ҳам кўздан кечириш тергов ҳаракати объектлари фақатгина ҳодиса содир бўлган жой билан чекланиб қолмайди. Ушбу тергов ҳаракатининг юқорида санаб ўтилган кўринишлари эса, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати билан ўз хусусиятлари жиҳатидан ўхшаш ҳисобланмайди.

Бизнингча, кўриб чиқиладиган иккала тергов ҳаракати юқоридагилардан ташқари яна бир қанча фарқли хусусиятларга ҳам эга ҳисобланади. Жумладан, қонун чиқарувчи кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини жиноят иши қўзғатилишидан олдин яъни, терговга қадар текширув босқичида амалга оширишга ваколат бермайди. Бироқ, кўздан кечириш тергов ҳаракати мазкур босқичда ҳам амалга оширилиши мумкин ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу иккала тергов ҳаракати иштирокчилари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Зеро, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчиларнинг иштирок этишлари зарур ҳисобланади. Зеро, амалдаги қонунчиликка кўра, кўрсатуви текшириладиган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Бироқ, кўздан кечириш тергов ҳаракати ушбу шахсларнинг иштирокида ҳам, улар иштирок этмаган ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкин ва бунда аниқ зарурият белгилаб қўйилмаган.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракати ҳам кўздан кечириш тергов ҳаракатига айрим хусусиятлари билан ўхшаб кетади. Ҳаттоки, яқин ўтмишга қадар айрим олимлар томонидан гувоҳлантириш кўздан кечиришнинг бир тури сифатида таъкидлаб келинган. Хусусан, 1969 йилда В.Колмаков томонидан билдирилган фикрга кўра, гувоҳлантириш алоҳида тергов ҳаракати ҳисобланмасдан, кўздан кечиришнинг бир тури ҳисобланади. [11]. Ўша даврда яшаб ўтган А.Винберг бошчилигидаги олимлар ҳам шунга ўхшаш фикрни билдириб, гувоҳлантиришни алоҳида мустақил тергов ҳаракати сифатида тан олишларини, шу билан бирга унинг кўздан кечириш тергов ҳаракатининг бир тури эканлигини илгари суришган. [12]. Шу каби фикрларни замонавий жиноят-процессуал ҳуқуқи илми олимларининг илмий асарларида ҳам учратишимиз мумкин. [13].

Бизнингча, юқорида келтирилган қарашларга қўшилиб бўлмайди. Сабаби, гувоҳлантириш тергов ҳаракати кўздан кечириш тергов ҳаракатига ўхшаш хусусиятларга эга бўлса ҳам, ўзининг қатор хусусиятлари билан ундан фарқ қилади.

Ўхшаш тарафларига тўхталадиган бўлсак, ушбу тергов ҳаракатларининг иккаласида ҳам деярли бир хил усуллар: кузатиш, ўлчаш, таққослаш, изларни аниқлаш, уларни тавсифлаш ва аниқлаш кабилар амалга оширилади. Баъзи процессуал қоидалар уларнинг иккаласи учун ҳам бир хилда белгиланган. Жумладан, олинган натижалар терговчининг барча ҳаракатларини, шунингдек кўздан кечириш ёки гувоҳлантириш пайтида аниқланган барча нарсаларни ушбу тергов ҳаракатлари амалга оширилган кетма-кетликда ва улар амалга оширилган пайтда кузатилган шаклда тавсифловчи баённомалар билан расмийлаштирилади.

Ушбу тергов ҳаракатлари ўртасидаги фарқларни таҳлил қиладиган бўлсак, аввало кўздан кечириш ва гувоҳлантириш ўзининг текширув объектлари жиҳатидан фарқ қилади. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 142-моддасига кўра, гувоҳлантириш:

1) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса;

2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказилади.

Кодекснинг 143-моддаси эса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилишлари мумкинлигини, шунингдек гувоҳ унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкинлигини белгилайди.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечирилади, деган қоида белгилайди.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, амалдаги қонунчилик кўздан кечириладиган объектлар қаторига шахсларнинг баданини киритмайди. Бироқ, Кодекснинг 135-моддаси одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширилишини белгилайди.

Бизнингча, юқоридагича норма орқали амалдаги қонунчилик гувоҳлантиришни кўздан кечиришнинг бир тури, шу билан бирга мустақил тергов ҳаракати сифатида белгилаш тўғрисидаги қарашларни илгари суради деган хулосага келишимиз мумкин.

Гувоҳлантириш ҳамда кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда, гувоҳлантиришнинг кўздан кечириш тергов ҳаракатидан фарқ қилувчи яъни кўздан кечиришга хос бўлмаган қуйидагича фарқловчи жиҳатларини ажратиш мумкин бўлади:

– кўздан кечириш фақатгина жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар ва мансабдор шахслар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган бир пайтда, Жиноят-процессуал кодексининг 146-моддасига асосан шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек

экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилиши мумкинлиги;

– гувоҳлантириш тергов ҳаракатини амалга ошириш фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини, хусусан баданининг дахлсизлигини бузиши сабабли текширувнинг мажбурий тартибда ўтказиш имконияти мавжудлиги;

– текширилаётган шахс учун бажарилиши (бўйсунтириш) мажбурий бўлган гувоҳлантириш тўғрисидаги қарорнинг чиқарилиши.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати билан ўхшаш бўлган яна бир тергов ҳаракати – бу тинтувдир. Жиноят-процессуал кодексининг 158-моддасига кўра, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносиде ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир. Тинтув қидирилаётган шахсни, шунингдек мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Ушбу икки тергов ҳаракатларининг ўхшаш жиҳати шундаки, уларнинг иккаласида ҳам жиноят излари ва исбот қилиш учун зарур бўлган нарса ёки ҳужжатлар қидирилади ва олинади.

Шу билан бирга, мазкур икки тергов ҳаракати тубдан фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга ҳисобланади. Жумладан, Е.Егорованинг қайд этишича, тинтув ва кўздан кечириш ўзининг мақсадлари жиҳатидан фарқ қилади. Бунда, тинтувнинг мақсади бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносиде ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсдаги иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатларни олиш учун ўтказилади. Кўздан кечиришда эса, уни амалга оширувчи ваколатли шахс шу каби предметларнинг мавжуд эканлигини олдиндан билмайди ва айнан қайсидир объектни олишни олдиндан мақсад қилмайди. [14].

Фикримизча, юқоридаги фикр ўринли бўлиб унга қўшимча равишда мазкур фикрнинг кўздан кечиришнинг барча турларига эмас, балки ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тааллуқлилигига эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда, тинтув ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан ўхшаш бўлиб, қолган объектларга қаратилган кўздан кечириш тинтув билан умумий хусусиятлар деярли эга эмас.

С.Чураков тўғри таъкидлаганидек, тинтув кўздан кечириш тергов ҳаракатидан уни ўтказиш учун қарор қабул қилиш зарурати билан фарқ қилади. Бирок, кўздан кечириш учун бу каби қарорнинг чиқарилиши талаб этилмайди. [15].

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, тинтувни амалга ошириш учун нафақат суриштирувчи ёки терговчининг қарори, балки прокурорнинг санкцияси ҳам талаб қилинишини инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан ташқари, тинтув ўзининг бошланиш ва тугаш асослари аниқлиги билан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан фарқ қилади. Зеро, тинтув муайян қидирилаётган нарсани топшириш сўралганидан ва уни топшириш рад этилган ёки тоширилмаганидан бошланади ҳамда қидирилаётган нарса топилиши билан яқунланади. Кўздан кечириш эса, бундан фарқли равишда қачон бошланиб, қачон тугаши олдиндан аниқ белгиланмаган бўлади.

Шунингдек, кўздан кечириш тергов ҳаракати бошқа тергов ҳаракатлари билан ҳам ўзаро ўхшаш бўлган ҳамда фарқ қилувчи хусусиятларга эга ҳисобланади.

Кўздан кечиришнинг тергов экспериментидан фарқи шундаки, эксперимент пайтида терговчи экспериментал ҳодисани, ҳодисанинг муайян ҳолатини ва унинг натижасини кузатади, кўздан кечиришда эса, фақат содир бўлган ҳодисанинг моддий изларини аниқлайди.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати суд экспертиза каби процессуал ҳаракатлардан фарқ қилиб, ўрганилаётган объектларнинг яширин фазилатларини ҳиссий аъзолар орқали очиб бериш учун амалга оширилади. Албатта, бундай хусусиятларни кашф этиш ва ўрганиш учун қўшимча равишда махсус билимлар талаб этади. Ушбу тергов ҳаракати жиноят процессининг турли хил иштирокчилари – терговчи, суриштирувчи, эксперт томонидан амалга оширилади,

улар сезиларли даражада ҳар хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Суд экспертиза тегишли қарор билан амалга оширилади, бироқ кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун бундай қарор талаб этилмайди.

Бундан ташқари, иштирокчилар доираси ҳам биров фарқ қилади. Қонун кўздан кечириш тергов ҳаракатида ҳолислар иштирокини мажбурий эканлигини белгилайди, экспертизани ўтказишда ҳолислар иштирок этиши шарт эмас. Экспертиза ўтказиш мураккаб илмий ва техник усуллардан ва махсус билимларга эга бўлган субъектларнинг воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу ҳаракатларнинг жараёни ва натижалари ҳам турли хил процессуал ҳужжатларда қайд этилади. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида баённома тузилади, экспертиза ўтказилганда эса эксперт хулосаси тузилади. Бу ҳужжатларнинг тузилиши ва процессуал талаблари ҳам сезиларли даражада фарқ қилади.

Юқорида келтириб ўтилган кўздан кечиришнинг бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро нисбатига оид таҳлиллар қуйидагича хулосаларни чиқаришимизга имконият беради:

1. Тергов ҳаракатлари тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Тергов ҳаракатлари – бу ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан исбот қилишда фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш мақсадида тергов ва суд ҳаракатлари шаклида амалга ошириладиган далилларни тўплаш усуллариidir”.

2. Кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноят процессидаги тергов ҳаракатлари тизимида ўзининг ўрнига ҳамда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мустақил тергов ҳаракати ҳисобланади.

3. Кўздан кечириш тергов ҳаракати бошқа бир қатор тергов ҳаракатлари билан ўхшаш бўлиб, бундай ўхшашлик кўздан кечиришнинг барча турларига эмас, балки ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тааллуқли ҳисобланади.

4. Кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларидан ўзининг мақсади, ўтказиш тартиби эркинлиги, хусусан терговга қадар текширув босқичида ҳам ўтказиш мумкинлиги, судга қадар иш юритиш давомида амалга оширилганда алоҳида қарорнинг қабул қилиниши ёки санкция олинishi талаб этилмаслиги, кўздан кечириш тартибининг қатъий қоидалар билан чегараланмаганлиги кабилар билан фарқ қилади.

5. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро фарқини яхшироқ англаш мазкур тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини аниқроқ белгилаб олишга, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу тергов ҳаракатларини тайинлаш ва амалга оширишда хатоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шодиев Ғ.М. Тергов ҳаракатлари ва суд назорати. Монография / ю.ф.д., проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 45-бет. (Shodiev G.M. Investigative Actions and Judicial Control. Monograph / under the general editorship of Doctor of Law, Professor Z.F. Inogomjonova. – Tashkent: Tashkent State University of Law Publishing House, 2011. – p. 45).
2. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Следственные действия в российском уголовном процессе: учеб. пособие. СПб.: Изд-во СПбГИЭУ, 2004. 73 с. (Smirnov A.V., Kalinovsky K.B. Investigative Actions in Russian Criminal Procedure: Textbook. St. Petersburg: Publishing House of St. Petersburg State University of Economics, 2004. 73 p.)
3. Абдумаджидов Г. Проблемы совершенствования предварительного расследования (Отв. ред. проф. И.Ф.Крылов). – Фан, 1975. – Б.11. (Abdumadzhidov G. Problems of Improving the Preliminary Investigation (Ed. by Prof. I.F. Krylov). – Fan Publishing House, 1975. – p. 11.)
4. Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. 2–е изд. испр. и доп. –М.: Юрлитинформ, 2001. – 208 с. (Sheyfer S.A. Investigative Actions: System and Procedural Form. 2nd edition, revised and supplemented. – Moscow: Yurlitinform, 2001. – 208 p.).

5. Рыжаков А.П. Уголовный процесс. Учебник для вузов. М., 2004. С. 390. (Ryzhakov A.P. Criminal Procedure: Textbook for Universities. – Moscow, 2004. – p. 390.)
6. Быховский И. Е. Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий. Автореф. дис. . д-ра юрид. наук / Быховский Игорь Евсеевич.-М., 1976. С. 6-7. (Bykhovsky I.E. Procedural and Tactical Issues of the System of Investigative Actions. Abstract of Doctor of Law Dissertation / Bykhovsky Igor Yevseevich. – Moscow, 1976. – pp. 6–7.)
7. Белкин Р.С. Проверка и уточнение показаний на месте: Лекция. М., 1961. С. 3. (Belkin R.S. Verification and Clarification of Testimonies at the Scene: Lecture. – Moscow, 1961. – p. 3.)
8. Егорова Е.В. О сущности осмотра и его месте в системе других следственных действий // Вестник Московского университета МВД России. 2016. №12 (Egorova E.V. On the Essence of Inspection and Its Place in the System of Other Investigative Actions // Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2016. No. 12.
9. Меркулова М.В. Тактика проверки показаний на месте события / Под. ред. В.П. Лаврова. М., 2009. С. 160. (Merkulova M.V. Tactics of Verifying Testimonies at the Scene of the Event / Ed. by V.P. Lavrov. – Moscow, 2009. – p. 160.)
10. Егорова Е.В. О сущности осмотра и его месте в системе других следственных действий // Вестник Московского университета МВД России. 2014. №12. (Egorova E.V. On the Essence of Inspection and Its Place in the System of Other Investigative Actions // Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2014. No. 12.)
11. Колмаков В. П. Следственный осмотр, М., «Юридическая литература», 1969. С. 27. (Kolmakov V.P. Investigative Inspection. – Moscow: Yuridicheskaya Literatura Publishing House, 1969. – p. 27.
12. Винберг А.И. и др. Косвенные доказательства в советском уголовном процессе. М., 1956. С. 58. (Vinberg A.I. et al. Indirect Evidence in the Soviet Criminal Process. – Moscow, 1956. – p. 58.)
13. Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г. Российская криминалистика: Учебник для вузов / Под ред. Р.С. Белкина. М., 1999. С. 570; Филиппов А.Г. Криминалистика: Учебник. М., 2009. С. 126. Aver'yanova T.V., Belkin R.S., Korukhov Yu.G. *Russian Criminalistics: Textbook for Universities* / Ed. by R.S. Belkin. – Moscow, 1999.–p.570; Filippov A.G. *Criminalistics: Textbook*. – Moscow, 2009. – p. 126.
14. Егорова Е.В. О сущности осмотра и его месте в системе других следственных действий // Вестник Московского университета МВД России. 2014. №12. (Egorova E.V. On the Essence of Inspection and Its Place in the System of Other Investigative Actions // Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2015. No. 12.)
15. Чураков С.Ю. Сравнение процессуальной регламентации осмотра и обыска // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2018. №4. (Churakov S.Yu. Comparison of the Procedural Regulation of Inspection and Search // International Journal of Humanities and Natural Sciences. 2018. No. 4.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000